

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги
Олий аттестация комиссияси Хотин-қизлар масалалари
бўйича маслаҳат кенгаши тўғрисидаги
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом ОАК ҳузуридаги маслаҳат органи сифатида жамоатчилик асосида ишлайдиган, хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш масалаларига кўмаклашиш ва хотин-қизларнинг муаммоларини ҳал қилишга кўмаклашишга қаратилган Хотин-қизлар масалалари бўйича маслаҳат кенгашининг (кейинги ўринларда –Маслаҳат кенгаши деб юритилади) асосий вазифалари, функциялари, ҳуқуқва мажбуриятлари, шунингдек, фаолиятини ташкил этиш тартибини белгилайди.

2. Маслаҳат кенгаши ўз фаолиятини жамоатчилик асосида амалга оширувчи маслаҳат органи ҳисобланиб, ОАК раисининг буйруғи билан ташкил этилади.

2-боб. Маслаҳат кенгашининг асосий вазифа ва функциялари

3. Маслаҳат кенгашининг асосий вазифалари:

ОАКда фаолият кўрсатаётган хотин-қизларнинг жамиятда ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва ҳуқуқий билимларини ошириш, қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг муаммоларини ўрганиш ва бартараф этилишига кўмаклашиш;

хотин-қизлар ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, саломатликларини тиклашда кўмаклашиш, турли хил касалликлар профилактикасини тизимли ташкил этиш мақсадида тегишли мутахассислар (психолог, гинеколог, маммолог, невропатолог) маслаҳатидан фойдаланиш хизматини ҳамда тиббий кўриқдан ўтказиш тартибини йўлга қўйиш, хотин-қизлар учун хавфсиз, қулай ва муносиб меҳнат шароитларияратилиши, таътил вақтларида соғломлаштириш ва дам олишларини ташкил қилиш каби ижтимоий-иқтисодий манфаатлари билан боғлиқ масалаларни раҳбарият билан ижтимоий шериклик асосида ҳал этиш;

ОАКда фаолият кўрсатаётган хотин-қизларнинг оилаларидаги ижтимоий-маънавий муҳитни яхшилашга кўмаклашиш ва бу борада жамоат ташкилотлари билан узвий ҳамкорликни йўлга қўйиш;

хотин-қизларнинг маънавий, интеллектуал, касбий салоҳияти ва меҳнат фаоллигини ошириш, касбий маҳоратини юксалтириб бориш учун шарт-шароитларияратиш ҳамда уларнинг жамоат ишларида манзилли иштирокини таъминлаш;

меҳнат муносабатларини тўғри йўлга қўйиш ва меҳнат фаолиятини рағбатлантириш;

кам таъминланган, ижтимоий муҳофазага муҳтож, имконияти чекланган, ногирон хотин-қизлар ва ёлғиз аёлларга ҳар томонлама кўмаклашиш.

3-боб. Маслаҳат кенгашининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

4. Маслаҳат кенгаши асосий вазифа ва функцияларини бажариш учун қуйидаги ҳуқуқларга эга:

ўз ваколати доирасида ОАКдан керакли ҳужжатлар, статистик ва таҳлилий маълумотларни олиш;

Маслаҳат кенгаши ваколатига тегишли масалаларни ҳал қилиш учун Маслаҳат кенгаши аъзоларидан иборат жамоатчилик комиссиясини тузиш;

раҳбарият билан келишилган ҳолда ОАК томонидан ўтказиладиган йиғилишлар ҳамда бошқа тадбирларда иштирок этиш;

маънавий-маърифийтадбирларни ташкил этиш ва уларга таниқли фан, маданият ва санъат раҳбарларини жалб қилиш;

Маслаҳат кенгашининг фаолияти ҳақида оммавий ахборот воситаларида эълон қилиш;

Маслаҳат кенгаши қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

5. Маслаҳат кенгаши ўз фаолиятини амалга оширишда қуйидаги мажбуриятларга эга:

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, фармойишларига ва бошқа қонун ҳужжатларига ҳамда мазкур Низомга амал қилиш;

фойдаланиш доираси чекланган тоифадаги ҳужжатлар билан ишлаш қоидаларига қатъий риоя қилиш;

ОАК фаолиятининг мустақиллиги ва унинг ишига аралашмаслик тамойилларига қатъий риоя қилиш;

Маслаҳат кенгаши қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятларни ҳам бажариши мумкин.

4-боб. Маслаҳат кенгашининг таркиби

6. Маслаҳат кенгашининг таркибига унинг раиси, раис ўринбосари, котиб ва аъзолар киради.

7. Маслаҳат кенгаши ўз фаолиятини жамоатчилик асосида олиб боради.

8. Маслаҳат кенгашининг таркиби ОАК раиси томонидан тасдиқланади.

9. ОАК ходимлари (хотин-қизлар), фахрийлари, нодавлат-нотижорат ташкилотлари ва оммавий ахборот воситаларининг вакиллари, Ўзбекистон Республикасининг бошқа фуқаролари Маслаҳат кенгашининг таркибига киритилиши мумкин.

10. Маслаҳат кенгашининг аъзолари ОАК раисининг буйруғи билан кўнгилли равишда номуайян муддатга маслаҳат кенгаши таркибига

киритилади ва аъзоликдан чиқарилади.

11. Маслаҳат кенгаши раиси кенгаш фаолиятига умумий раҳбарлик қилди хамла қўйилган ваколатларни амалга оширади:

Маслаҳат кенгаши мажлисини чақириш ва кун тартибини белгилаш;

Маслаҳат кенгаши мажлисига раислик қилиш;

Маслаҳат кенгаши мажлислари баённомаси ва иш юритувига оид бошқа ҳужжатларини тасдиқлаш:

Маслаҳат кенгаши қарорларининг бажарилишини назорат қилиш;

Маслаҳат кенгаши аъзоларига қўйилган топшириқларнинг бажарилишини ва фаолиятини мувофиқлаштириш;

раҳбариятга Маслаҳат кенгашига кирувчи шахсларни унинг таркибидан чиқариш бўйича таклифлар киритиш;

қонун ҳужжатлари ва Маслаҳат кенгаши қарорларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

12. Маслаҳат кенгаши раиси йўқлигида унинг ваколат ва вазифаларини унинг ўринбосари амалга оширади.

13. Маслаҳат кенгаши раисининг ўринбосари:

Маслаҳат кенгаши раиси бўлмаганда Маслаҳат кенгаши мажлисларига раислик қилади;

Маслаҳат кенгаши қарорлари бажарилишини назорат қилиш ишларини ташкил этади;

фуқаролар ва юридик шахсларнинг вакилларини қабул қилади ҳамда ариза, таклиф ва шикоятларни кўриб чиқиш ишларини ташкил этади;

қонун ҳужжатлари ва маслаҳат кенгаши қарорларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

14. Маслаҳат кенгаши котиби:

Маслаҳат кенгашининг мажлисига керакли ҳужжатлар ўз вақтида тайёрланишини таъминлайди;

Маслаҳат кенгаши мажлисининг кун тартиби бўйича ўтишини ташкил этади;

Маслаҳат кенгаши раиси билан мажлис ўтказиш муддати, жойи ҳамда таклиф қилинувчилар ҳақида маслаҳатлашади;

Маслаҳат кенгаши аъзолари ва таклиф қилинган шахсларни мажлис ўтказиш жойи, санаси ва вақти ҳақида хабардор қилади;

Маслаҳат кенгаши қарорларининг бажарилиши мониторингини олиб боради ва унинг натижаларини Маслаҳат кенгаши мажлисида кўриб чиқиш бўйича таклиф киритади;

Маслаҳат кенгаши баённомасини расмийлаштиради ҳамда тасдиқланган баённомани Маслаҳат кенгаши аъзоларига ва бошқа манфаатдор шахсларга юборилишини таъминлайди;

қонун ҳужжатлари ва Маслаҳат кенгаши қарорларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

15. Маслаҳат кенгаши аъзолари:

Маслаҳат кенгаши мажлисларида кўриладиган масалаларни муҳокама қилишда қатнашадилар. Маслаҳат кенгаши аъзолари айрим ҳолларда

Маслаҳат кенгаши мажлисларида қатнаша олмаган тақдирда ўз фикрларини ёзма тарзда кенгаш масъул котибига тақдим этишлари мумкин. Кўрсатиб ўтилган фикрлар мажлисда кўриб чиқилади ва овоз беришда ҳисобга олинади;

ОАК фаолиятини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва ички идоравий ҳужжатларни янада такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқадилар;

ходимлар ва улароила аъзоларининг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш бўйича Маслаҳат кенгашига таклифлар киритадилар.

5-боб. Маслаҳат кенгашининг ишчи органи

16. Маслаҳат кенгаши таркибига кирган ОАК ходимлари Маслаҳат кенгашининг ишчи органи ҳисобланали.

17. Маслаҳат кенгашининг ишчи органи:

Маслаҳат кенгаши фаолиятининг методик, ташкилий-ҳуқуқий, ташкилий-техник таъминот масалаларини ҳал қилади;

Маслаҳат кенгашининг иш режалари лойиҳаларини тайёрлайди, кўриб чиқиш учун Маслаҳат кенгашига киритади ва тасдиқланган иш режасининг бажарилишини таъминлайди;

Маслаҳат кенгашининг навбатдаги мажлисига барча зарур ҳужжатларни тайёрлайди, ОАК ходимларидан керакли ҳужжатлар ва маълумотларни сўраб олади;

Маслаҳат кенгаши мажлиси кун тартибидаги масалалар бўйича таҳлилий материаллар тайёрлайди;

Маслаҳат кенгаши ваколатларига кирувчи мурожаатларни кўриб чиқади ва тегишли ҳужжатларни тайёрлайди;

Маслаҳат кенгаши томонидан берилган бошқа вазифаларни амалга оширади.

6-боб. Маслаҳат кенгаши фаолиятини ташкил қилиш

18. Маслаҳат кенгашининг фаолияти ушбу Низом асосида амалга оширилади.

19. Маслаҳат кенгаши фаолиятининг асосий масалалари Маслаҳат кенгаши мажлисларида кўриб чиқилади.

20. Маслаҳат кенгаши мажлиси Маслаҳат кенгашининг иш режаси асосида ҳар йилда камида бир маротаба чақирилади.

21. Маслаҳат кенгаши раиси Маслаҳат кенгаши аъзоларининг камида учдан бир қисмининг ёзма мурожаати асосида навбатдан ташқари мажлис чақириши мумкин.

22. Маслаҳат кенгаши мажлисларига миллий маданий марказлар, дўстлик жамиятлари, давлат ва нодавлат-нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари вакиллари таклиф қилиниши мумкин.

23. Маслаҳат кенгаши мажлисига таклиф қилинувчи шахслар рўйхати

Маслаҳат кенгаши раиси ва Маслаҳат кенгаши аъзолари билан келишган ҳолда Маслаҳат кенгаши котиби томонидан шакллантирилади.

24. Маслаҳат кенгаши мажлисининг кун тартиби лойиҳаси Маслаҳат кенгаши аъзоларининг таклифлари ва Маслаҳат кенгаши раиси топшириғи асосида Маслаҳат кенгаши котиби томонидан шакллантирилади.

25. Маслаҳаткенгашимажлислариунинг раиси томонидан олиб борилади. Раис иштирок эта олмаган ҳолларда мажлисга унинг ўринбосари раислик қилади.

26. Маслаҳат кенгаши мажлисларида ОАК раиси, унинг ўринбосари ёки бошқа ходимлариштирок этиши мумкин.

27. Маслаҳат кенгаши мажлиси унга таклиф қилинган шахсларнинг учдан икки қисмидан кам бўлмаган қисми (кворум) иштирок этган тақдирда қонуний ҳисобланади.

28. Агар мажлис олиб бориш учун кворум шаклланмаса, Маслаҳат кенгашининг янги мажлисини ўтказиш санаси эълон қилинади.

29. Маслаҳат кенгашининг қарори унинг мажлисида қатнашаётган аъзоларининг кўпчилик овози билан қабул қилинади. Агар овозлар тенг келиб қолса, Маслаҳат кенгаши раисининг овози ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлади.

30. Маслаҳат кенгаши қарор қабул қилишда масалаларни эркин муҳокама қилиш, овоз бериш, жамоатчилик фикрини инобатга олиш, тенглик ва коллегияликка асосланади.

31. Маслаҳат кенгашининг ҳар бир аъзоси қабул қилинган қарорга ўзининг фикрларини ёзма тарзда билдириш ҳуқуқига эга. Бунда фикрлар Маслаҳат кенгаши мажлиси баённомасига киритиб қўйилади.

32. Маслаҳат кенгашининг қарори қабул қилинган кундан бошлаб уч кундан кечикмасдан ОАКга юборилади.

33. Маслаҳат кенгашининг қарори тавсиявий характерга эга. Агар қарор ОАК томонидан маъқулланмаса, ОАК қарор қабул қилинган кундан бошлаб ўн кундан кечикмасдан Маслаҳат кенгашига асослантирилган жавобини тақдим қилади.

34. Тезкор қарор қабул қилиш зарурати келиб чиққанда, Маслаҳат кенгашининг қарори Маслаҳат кенгаши раиси ташаббуси билан Маслаҳат кенгаши аъзолари билан маслаҳатлашилган ҳолда сўров йўли билан қабул қилиниши мумкин.

35. Маслаҳат кенгаши мажлисида қабул қилинган қарор мажлис баённомаси билан расмийлаштирилади. Баённома Маслаҳат кенгаши котиби томонидан имзоланади, мажлисга раислик қилувчи томонидан тасдиқланади ҳамда уч кунлик муддатда Маслаҳат кенгаши аъзоларига ва бошқа манфаатдор шахсларга юборилади.

36. Маслаҳат кенгашининг ишчи органи ва котиби Маслаҳат кенгаши аъзолари билан биргаликда Маслаҳат кенгаши қарорларини ижро этиш йўллари тизимли ўрганади ва кўриб чиқади, зарур ҳолларда, Маслаҳат кенгаши раисига таклифлар киритади.

37. Ишчи органи Маслаҳат кенгаши қарорларини ижро этиш

натижалари ҳақида ҳар ойда Маслаҳат кенгаши раисига маълумот тақдим этади.

7-боб. Якуний қоидалар

38. Маслаҳат кенгашининг моддий-техник таъминоти ОАК томонидан, шунингдек, қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобига амалга оширилади.

39. Маслаҳат кенгаши фаолияти устидан назоратни ОАК раиси амалга оширади.

40. Маслаҳат кенгашининг қарорлари ҳамда ОАК раисининг Маслаҳат кенгашининг фаолиятини ташкил этиш билан боғлиқ қарорлари устидан белгиланган тартибда шикоят қилиниши мумкин.